**O'ZSANOATQURILISHBANK**

"O'zbekiston sanoat-qurilish banki" aksiyadorlik tijorat banki
"Uzbek Industrial and Construction Bank" Joint-Stock Commercial Bank
Акционерный коммерческий банк "Узбекский промышленно-строительный банк"

# KENGASH YIG'ILISHINING MAJLIS BAYONI

Тошкент ш. | № 2019/03 | 2019 йил " 03 " октябрь

| | |
|---|---|
| Кенгаш Раиси | Т.Ишметов |
| **Йиғилишга раислик қилди:** | Ш.Вафаев |

**Қатнашдилар:**

| | |
|---|---|
| Кенгаш аъзолари: | Ш.Вафаев<br>У.Мухтаров<br>О.Юсупов<br>А.Акрамов<br>Т.Набиев<br>Р.Хамидов<br>Р.Калонхўжаев<br>М.Якубов |
| Корпоратив маслаҳатчи | К.Алимов |

**Таклиф этилдилар:**

| | |
|---|---|
| Бошқарув раиси | А.Воитов |
| Бошқарув аъзолари: | С.Аннақличев, Б.Вохидов, Б.Норхужаев. |
| Бош аппарат бўлинмалар бошлиқлари: | А.Холов, Ф.Мухамедов, Х.Акбаров, Ж.Агзамов, К.Хайитов, А.Хўжамуратов. |
| "International Finance Corporation" компаниянинг консультанти | Ю.Холодкова |

Йиғилишда 9 та Банк Кенгаши аъзоларидан 9 таси қатнашди ва кворум таъминланди.

**Банк Кенгаши йиғилишининг кун тартиби:**

9. Банк Бошқарув ўринбосарини тайинлаш тўғрисида.

***<u>Кун тартибидаги тўққизинчи масала,</u>*** бўйича Кенгаш аъзоларига Банк Бошқарув Раиси А.Воитов тушунтириш бериб ўтди. Ўз нутқида А.Воитов Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги ПҚ-4112-сонли "Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорининг 5-бандида хўжалик жамиятининг ижро органи раҳбар ўринбосарлари белгиланган тартибда акциядорлар умумий йиғилиши ёки кузатув кенгаши қарори билан тайинланиши белгиланганлиги, шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 апрелдаги 356-сонли "Давлат активларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорининг 2-бандида устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари ижроия органи раҳбар ўринбосари лавозимларига номзодларни кўрсатиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ёки унинг тегишли ўринбосарлари ва маслаҳатчилари билан келишган ҳолда амалга оширилиши кўрсатилганлини таъкидлаб ўтди.

Ушбу қоидаларга асосан Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари Э.М.Ганиевнинг 2019 йил 29 сентябрдаги 24/1-330-сонли рухсат хати билан (13-илова) Банк Бошқаруви таркибидаги вакант бўлган Бошқарув Раиси ўринбосари лавозимига Таваккалов Улуғбек Уктамович номзоди маъқулланганлигини маълум қилиб, йиғилиш қатнашчиларни номзоднинг шахсий маълумотлари билан таништириб ўтди. Юқорида қайда этилган қоидаларга асосан У.У.Таваккалов номзодини вакант бўлган Банк Бошқаруви Раиси ўринбосари лавозимга тайинлаш ва у билан меҳнат шартномасини расмийлаштиришга рухсат сўради.

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

9. Таваккалов Улуғбек Уктамович "Ўзсаноатқурилишбанки" АТБ Бошқаруви Раисининг ўринбосари ва Бошқарув аъзоси этиб тайинлансин *(асос 13-илова)*.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:
Овоз берилди: 9 овоз
"ёқлайман" – 9 овоз, "қаршиман" – йўқ, "бетарафман" – йўқ.

9.1. Банк Бошқаруви Раиси А.Воитов томонидан Таваккалов Улуғбек Уктамович билан меҳнат шартномаси расмийлаштирилсин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:
Овоз берилди: 9 овоз
"ёқлайман" – 9 овоз, "қаршиман" – йўқ, "бетарафман" – йўқ.

**Кенгаш Раиси:** **Т.Ишметов**

**Корпоратив маслахатчи** **К.Алимов**